ЎзРВБнинг 2024 йил 4 мартдаги
32-сонли буйруғига
Илова

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (кейинги ўринларда – ЎзРВБ)да коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагилар коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантиришнинг (кейинги ўринларда - рағбатлантириш) асосий вазифалари ҳисобланади:

ЎзРВБда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

ЎзРВБда коррупцияга оид жиноятларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, бунга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

ЎзРВБ ходимларининг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш ҳамда уларни ушбу соҳага қўшаётган ҳиссаси учун муносиб тақдирлаш.

3. Рағбатлантириш бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсдалик совға шаклида белгиланади.

2-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш асослари

4. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимлар қуйидаги миқдордаги бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилиши мумкин:

а) коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида берилган хабар учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч баравари миқдорида**;

б) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлса - базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш баравари миқдорида**;

в) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлса - базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн баравари миқдорида**;

г) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан кўп бўлса - базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн беш баравари миқдорида**;

д) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаат (хабар) юзасидан ўтказилаётган хизмат текширув мобайнида аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳақида ушбу хизмат текширувни ўтказаётган ишчи гуруҳга хабар берганлик ёки бундай тадбирларни ўтказишда бевосита кўмаклашганлик учун ташаккурнома ёки эсдалик совға шаклида.

Эсдалик совғанинг умумий қиймати (барча солиқ ва йиғимлар билан бирга) базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан ошмаслиги лозим).

3-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш тартиби

5. Рағбатлантириш масаласи ЎзРВБнинг Одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) томонидан қуйидагилардан бири қабул қилингандан сўнг кўриб чиқилади:

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича суднинг айблов ҳукми ёки қарори қонуний кучга кирганда;

Ўтказилган хизмат текшируви натижасида ходим (лар)нинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги аниқланса.

6. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш масаласи комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Бунда, ЎзРВБнинг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ёки масъул ходими (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) комиссиясига рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш учун тақдимнома киритади.

Комиссияга тақдимнома билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

рўйхатдан ўтган ариза нусхаси ёки оғзаки берилган хабарни тасдиқловчи маълумотлар;

қонуний кучга кирган қарори ёки суднинг айблов ҳукми нусхаси;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

7. Комиссия томонидан рағбатлантиришга оид ҳужжатлар олингандан сўнг ҳужжатларнинг тўлиқлилиги, асослилиги ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилинганлиги кўриб чиқилади.

8. Рағбатлантириш учун тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланган тақдирда, икки иш куни ичида қайтарилади.

Қайтарилиш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, тегишли ҳужжатлар ушбу Низом талаблари асосида рағбатлантириш учун қайта тақдим этилиши мумкин.

9. Комиссиянинг ижобий қарори қабул қилингандан сўнг комиссия котиби томонидан баённома (қарор)дан кўчирма тайёрланади ва 3 иш куни мобайнида Персонални бошқариш хизматига буйруқ расмийлаштириш учун юборилади.

4-боб. Якуний қоидалар

10. Коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган ходимлар таъқибга олинмайди. ЎзРВБ ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа ходимларнинг шубҳали хулқ-атвори ёки коррупцияга қарши курашиш тизими талаблари бузилган (бузилиши мумкин)лиги ҳақида хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминатция, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

11. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

12. ЎзРВБ ходимлари томонидан атайин ёлғон хабар юбориш ЎзРВБнинг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати талабларини бузиш ва Одоб-ахлоқ қоидаларига зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади ва бундай хабарларни юборган ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ЎзРВБнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

13. Коррупцияга қарши курашишда фаол иштирок этган (коррупция ҳақида хабар берган) ЎзРВБ ходимлари тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

14. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.